

**“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ Кузатув кенгашининг
2024 йил 1 ноябрдаги 45-сонли баённомаси билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭКСПОРТ ИМПОРТ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭИСК” АЖ ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ
БОШҚАРИШ НИЗОМИ**

2024 й. “01” ноябрь

Код: RD-GK 40-03

Тошкент ш.

 UZBEKINVEST <small>sug'urta kompaniyasi</small> GK 40	“Ўзбекивест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш Низоми	RD-GK 40-03
		19 дан 2 варақ .10.2024й.

“КИРИТИЛГАН”

**“Ўзбекивест” экспорт-импорт суғурта
компанияси” Акциядорлик Жамияти
Бош директори**



Р.С. Азимов

2024 йил “01” ноябрь

**“Ўзбекивест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини
бошқариш тўғрисида”ги Низом**

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом “Ўзбекивест” ЭИСК” АЖ (кейинги ўринларда - Жамият), унинг минтақавий ва ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, унинг олдини олиш ва тартибга солиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда белгиланган қондалар Жамият Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, Жамият ходимлари, учинчи шахслар билан муносабатларда Жамият номидан иш юритадиган ҳар бир шахс учун мажбурийдир.

3. Мазкур Низом Жамиятда юзага келган ва юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бошқариш масалаларидаги асосий ҳужжат ҳисобланади ва барча ходимлар томонидан сўзсиз риоя қилиниши шарт.


4. Жамият ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ масалалар Жамиятнинг Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш маркази томонидан мувофиқлаштириб борилади.

5. Мазкур Низом мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

алоқадор шахслар – Жамият ходимининг яқин қариндошлари, ходим ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қилса, ўша юридик шахс, ходим ёхуд унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахс;

кронизм – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият (лавозим мавқеидан) ва обрўсидан фойдаланиш;

манфаатлар тўқнашуви – Жамият ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, Жамиятларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

 UZBEKINVEST <small>sug'urta kompaniyasi</small> GK 40	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш Низоми	RD-GK 40-03
		19 дан 3 варақ .10.2024й.

манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш – ходимлар томонидан потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисида эълон қилиш тартиб-таомили;

манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш – Жамият томонидан ходимларнинг хизмат мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаслиги ҳолати ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви юзага келганда уларнинг манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий ва бошқа манфаатлар) Жамият манфаатларидан устун келиши хавфини камайтириш ёки бартараф этиш;

маҳаллийчилик – шахсни унинг наслий келиб чиқиши (аслзода ёки машхур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф эътилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

непотизм (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик; фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши) – ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, Жамият манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

потенциал манфаатлар тўқнашуви – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Жамият билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий ва бошқа манфаатлари) муайян вазиятлар юзага келганда, улар Жамиятнинг манфаатларига қарама-қарши бўлиши ва Жамият ходимлари томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган вазият;

реал манфаатлар тўқнашуви – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Жамият билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари) Жамият манфаатларига бевосита ёки билвосита қарама-қарши бўлган вазият;

уруғ-аймоқчилик – Жамият ходимининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва ноҳолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги;

фаворитизм – Жамият ходими бошқа шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига қараганда битта шахс ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, Жамиятда кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сихатгоҳлар ва хорижий сафарларга юбориш, мурожаатлар, шунингдек иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишда кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қилмаслик;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

 UZBEKINVEST <small>sug'urta kompaniyasi</small> GK 40	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш Низоми	RD-GK 40-03
		19 дан 4 варақ .10.2024й.

шафелик – Жамият ходимининг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги химояси, уни ёқлаб ёнини олиши;

яқин қариндошлар – қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари.

2-боб. Норматив ҳаволалар

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги ПҚ-5177-сонли “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори;

7. “Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ Устави;

8. Иш юритиш бўйича Йўриқнома – RD-05;

9. “Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти Низоми – РД-ГК-40-01;

10. Ўзбекистон Республикасининг 05.06.2024 йилдаги “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги ЎРҚ-931-сон Қонуни.

3-боб. Масъулият

11. Ушбу Низом талабларини бажариш учун компаниянинг таркибий бўлинмалари, ҳудудий филиаллари ва ихтисослаштирилган шўба корхоналари раҳбарлари жавобгар бўлади.

12. Ушбу Низомни актуаллаштириш учун Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти Бош менежери жавобгардир

4-боб. Манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг тамойиллари

13. Жамият ходимлари манфаатлар тўқнашувини бошқариш масалаларида қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилишлари шарт:

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

давлат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўйиш;

ошкоралик, виждонлилик, холислик асосида қарорлар қабул қилиш;


потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишнинг шартлиги;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича профилактик чораларнинг устуворлиги;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини кўриб чиқиш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда жамоавийликка амал қилиши;

манфаатлар тўқнашуви аломатлари билан тавсифланган вазиятларни кўриб чиқиш, баҳолаш ва ҳал қилишга холис ёндашув;

белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

 UZBEKINVEST <small>sug'urta kompaniyasi</small> GK 40	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш Низоми	RD-GK 40-03
		19 дан 5 варақ .10.2024й.

агар ходим бирон-бир қарор қабул қилишдан аввал ёки ўзига юклатилган функцияларни бажаришдан олдин манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тегишли тартибда хабар берган ҳамда Жамият манфаатлари фойдасига ўз шахсий манфаатларидан воз кечишга тайёр бўлса, уни реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги сабабли ишдан бўшатилишига йўл қўйилмаслиги;
шаффофлик ва ҳисобдорлик;
шахсий жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги.

5-боб. Таркибий тузилмалар ходимларининг мажбуриятлари ва ваколатлари

14. Жамият ходимлари ўзларининг хизмат мажбуриятларини бажаришида ва (ёки) Жамиятнинг манфаатларини ифодалашда ушбу Низомда белгиланган тамойилларга амал қилишлари, шунингдек, манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан ўзларини сақлашлари шарт.

15. Хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун Жамият ходимлари:

ўз лавозим мажбуриятларини ёки хизмат ваколатларини виждонан бажариши ва уларнинг бажарилишига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўз шахсий манфаатлари билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши;

лавозим мажбуриятларини ёки хизмат ваколатларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги;

мавжуд манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, ўз иш юритувидаги ҳужжатлар бўйича қарор қабул қилингунига қадар ўзининг бевосита раҳбарини (Жамият раҳбари — юқори турувчи раҳбарни) ёки махсус бўлинмани хабардор қилиши;

ўзининг бевосита бўйсунувидаги ходимларни ёки бошқа ходимларни бевосита ёки билвосита ўзининг шахсий манфаатларини кўзловчи ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) мажбурламаслиги;


ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органи ёки бошқа Жамият назорати остидаги Жамиятдан ёки унинг таркибий бўлинмасидан ишга қабул қилиш тўғрисида таклифлар келиб тушганлиги ҳолати ҳақида бир иш куни ичида хабар бериши;

бошқа ходимларга нисбатан ўзига маълум бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳоллари тўғрисида хабар бериши;

эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш мақсадида махсус бўлинманинг сўровига кўра маълумотлар тақдим этиши шарт.

16. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида Жамият ходими қуйидаги ҳолларда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши керак, агар:

ходимнинг бевосита бўйсунувида яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахслар бўлса;

 UZBEKINVEST <small>suq urta kompaniyasi</small> GK 40	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш Низоми	RD-GK 40-03
		19 дан 6 варақ .10.2024й.

белгиланган тартибда фаолияти ўрганилаётган Жамиятда ходимнинг яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахслар фаолият юритса ёки белгиланган тартибда фаолияти ўрганилаётган мансабдор шахс ходимнинг яқин қариндоши ва (ёки) алоқадор шахс бўлса;

ходимнинг яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахслари Жамият шартномавий муносабатга киришаётган юридик шахс ва (ёки) тижорат ташкилоти таъсисчиси бўлса ёки ушбу ташкилот бошқарувида иштирок этса 4-иловага мувофиқ ариза шаклида;

ходим яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахсларга нисбатан ходимларга (жумладан, иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш, мукофотлар, устамаларга тақдим этиш ва уларнинг миқдорини белгилашга) оид қарорлар қабул қилишда иштирок этса.

Мазкур рўйхат якуний ҳисобланмайди. Жамият ходими яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахсларга нисбатан (улар фаолият юритаётган Жамиятларга) ҳар қандай қарорлар қабул қилиш (имтиёзлар бериш, кредитлар тақдим этиш, махсулотлар сотиб олиш ва шу қабилар) ҳолати потенциал манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолларда, Жамият ходими манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши лозим бўлади.

17. Мазкур Низомнинг 9-бандида қайд этилган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни аниқлаш учун ходим қарор қабул қилиш ёки хизмат мажбуриятларини бажаришдан аввал ўзига қуйидаги саволларни бериши лозим: “Мен қарорни виждонан ва холис қабул қилишим, ҳаракатни амалга оширишим мумкинми?” ва “Агар бу қарорни бошқа ходим қабул қилганда, худди мен қабул қилган қарорни қабул қилган бўлармиди?”. Агар ходим бу саволлардан биттасига бўлса ҳам “Йўқ” деб жавоб берса, манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги хатари юзага келади.

18. Жамиятда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш борасида қуйидагилар амалга оширилади: ходимларни ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлашда, шунингдек бошқа ҳолатларда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарувчи ахборот жамланади;

ҳар бир ходим мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажаришида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳолатини аниқлайди ҳамда ўзининг раҳбарига ва Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш марказига хабар беради;

манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар бир маълумот ёки хабар коллегия тартибда ўрганилиб, унинг таъсири аниқланади. Қонун ҳужжатлари талаблари доирасида манфаатлар тўқнашувини аниқлашнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

19. Манфаатлар тўқнашуви қуйидагича бошқарилади:


ходимларни ишга қабул қилишда уларга мазкур Низом талаблари имзо қўйдирилган ҳолда таништирилади;

Низом талаблари бўйича ходимларга тушунтириш ва маслаҳатлар бериш ишлари олиб борилади;

аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари рўйхатга олиб борилади;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини ўрганиш, уларга баҳо бериш ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган чораларни белгилаш Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш маркази амалга оширилади;

манфаатлар тўқнашувини олдини олиш жараёнининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида кузатиш ҳамда мониторинг амалга оширилади.

 UZBEKINVEST <small>suq urta kompaniyasi</small> GK 40	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш Низоми	RD-GK 40-03
		19 дан 7 варақ .10.2024й.

Манфаатлар тўқнашуви бошқарилишида қонун ҳужжатлари талаблари асосида бошқаришнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

20. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳолларда қуйидаги чоралар кўрилиши мумкин:

ходимнинг тегишли фаолиятни амалга оширишда ёки қарор қабул қилишда ихтиёрий равишда иштирок этмаслиги ёки четлашишига рухсат бериш;

ходимнинг лавозим вазифаларини кўриб чиқиш ёки унга ўзгартириш киритиш;

ходимнинг шахсий манфаатлари билан боғлиқ бўлган маълумотларга чекловлар ўрнатиш;

ходимнинг шахсий манфаатлари унинг лавозим мажбуриятларига зид бўлса, уни манфаатлар тўқнашуви таъсир этмайдиган бошқа лавозимга ўтказиш;

ходимнинг Жамият фаолиятига ёки манфаатларига салбий таъсир этувчи ўзининг шахсий манфаатларидан воз кечиши;

ходимнинг шахсий манфаатлари Жамият фаолиятига ёки манфаатларига зид бўлса ҳамда уни бошқаришнинг бошқа чораларини қўллаш имкони бўлмаса ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш.

6-боб. Жамият ходимининг фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чекловлар

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Жамиятнинг ходими:


хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш орқали шахсий наф олишга;

манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотни ошкор этиш чоғида маълумотларни яширишга ёхуд била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборот тақдим этишга;

бири бошқасига бўйсунувчи ёки бири бошқасининг назоратидаги ташкилотларда ўриндошлик бўйича ишлашга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

тижорат ташкилотларининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлишга, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларининг ўн фоизгача эгалик қилиш ҳоллари мустасно;

ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органи ёки бошқа ташкилотнинг назоратида бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектининг акцияларига ёки устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига эгалик қилишга, шунингдек ушбу тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органи аъзоси бўлишга, бундан Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида назарда тутилган ёки бу фаолият қонунчиликка мувофиқ лавозим мажбуриятлари ҳисобланадиган ҳоллар мустасно. Бунда давлат органи ёки бошқа ташкилот назоратида бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектларининг акцияларига ёки устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига эгалик қилган ёхуд мазкур тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари аъзоси бўлган шахс мазкур давлат органида ёки бошқа ташкилотда ходим лавозимини эгаллаган ҳолларда, у қонунчиликда белгиланган тартибда ушбу акцияларни ёки улушларни бир ой ичида реализация қилиши, бошқарув органларининг аъзолигидан чиқиши керак;

 UZBEKINVEST <small>sug'urta kompaniyasi</small> GK 40	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш Низоми	RD-GK 40-03
		19 дан 8 варақ .10.2024й.

ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошириши давомида ўзига тааллуқли бўлган ишларни кўриб чиқишда ёки ўзига алоқадор шахсларга тааллуқли бўлган ишларни кўриб чиқишда вакил сифатида иштирок этишга, агар у қонунчиликка мувофиқ қонуний вакил бўлмаса;

ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган ташкилотнинг мол-мулкани сотиб олишда ёки ижарага олишда ўзи иштирок этишга ҳақли эмас.

Жамиятнинг ўзи билан меҳнат шартномаси тугатилган ёки хизматдан бўшатилган ходими икки йил ичида охириги иш жойида ўзи бевосита ёки билвосита назоратни амалга оширган ташкилотлар ёки уларнинг таркибий бўлинмалари томонидан ишга ушбу ходим меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга оширган ташкилотларнинг коррупцияга қарши назорат бўлинмаси вазифасини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг хулосасига асосан қабул қилинади.

Ушбу боб биринчи қисмининг бешинчи хатбошисида кўрсатилган чеклов Жамиянинг раҳбарларига нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Низомнинг мақсадларини назарда тутган ҳолда мазкур бобда «назорат» деганда Жамият ходимининг тегишли ташкилот фаолиятини шахсан ёки ўзининг бўйсунувидаги шахс орқали текшириш ёхуд унга нисбатан қонунчиликда белгиланган ҳар қандай имтиёзларни (преференцияларни) қўллаш ёки уни ҳар қандай жавобгарликка тортиш (жавобгарликка тортиш бўйича ташаббус кўрсатиш) ёхуд унга лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни бериш (хабарномани қабул қилиш) ҳуқуқи тушунилади.

Жамият ходими лавозим мажбуриятларининг ёки хизмат ваколатларининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда, унга нисбатан қонунчиликда белгиланган бошқа чекловлар қўлланилиши мумкин.

7-боб. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ва кўриб чиқиш тартиби

1-§ Манфаатлар тўқнашувини декларация қилишнинг умумий қоидалари

21. Жамиятда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари келиб чиқишини олдини олиш манфаатлар тўқнашувини декларация қилишнинг қуйидаги шаклларида фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

Жамият тизимида вакант бўлган бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш;

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ҳар йил ошкор қилиш (йиллик декларация);

реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви юзага келиш факти бўйича маълумотларни ошкор қилиш.

2-§ Бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш

 UZBEKINVEST <small>MAJLIS QURUMI</small> GK 40	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш Низоми	RD-GK 40-03
		19 дан 9 варақ .10.2024й.

22. Жамият тизимида бўш иш жойларига номзодларни, ходимларни лавозимга тайинлаш ва уларни ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда декларация қилиш Жамиятнинг Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш марказига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича тўлдирилган маълумотнома;

ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ва ротация қилиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисида мазкур Низомнинг 1-иловага мувофиқ шаклдаги ариза тўлдирилади.

Ходим томонидан тақдим этилган ҳужжатлар Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш маркази томонидан уларда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича текширилади. Манфаатлар тўқнашуви аниқланганида Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш маркази Жамият раҳбарини ҳамда Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаментини ва Одоб-ахлоқ комиссиясини хабардор қилади.

Жамият раҳбари кўрсатмасига асосан Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш маркази Жамиятдаги тегишли тузилмалар билан ҳамкорликда манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чораларини кўради.

3-§ Манфаатлар тўқнашувини ҳар йиллик декларация қилиш


23. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ҳар йили декларация қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг 05.06.2024 йилдаги ЎРҚ-931-сон Қонунининг (кейинги ўринларда - Қонун) 18 моддасига мувофиқ Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш маркази Жамият ходимларидан Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда олинган йиллик манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақидаги аризани 15 февралгача умумлаштиради ва таҳлил қилади;

Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш маркази эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича чораларнинг етарлигини (тўғрилигини) таъминлаш учун ҳар йили 1 мартга қадар Одоб-ахлоқ комиссиясига таклиф киритади;

Жамият Одоб-ахлоқ комиссияси ходимнинг бевосита раҳбари ва (зарурат бўлганда) ходим иштирокида 20 мартгача манфаатлар тўқнашуви ҳолатини кўриб чиқади ва манфаатлар тўқнашуви билан тавсифланадиган вазиятларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги ҳақида қарор чиқаради. Мазкур қарор комиссия баённомасига киритилади. Баённомада чора-тадбирларни ишлаб чиқишга масъул тузилма (мансабдор шахс) белгилаб қўйилади;

Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш маркази томонидан 25 мартгача мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари реестрига киритиладиган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақидаги электрон маълумотларни жамланади ва сақланади;

 UZBEKINVEST <small>sug'urta kompaniyasi</small> GK 40	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш Низоми	RD-GK 40-03
		19 дан 10 варақ .10.2024й.

хар йили I чорақда Жамиятнинг Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш маркази манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш, аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича статистика таҳлилини Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти ва Жамият раҳбарига киритади.

4-§ Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиш факти бўйича декларация тўлдириш

24. Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши факти бўйича маълумотларни декларация қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Жамият ходимида манфаатлар тўқнашуви келиб чиққанда, у мазкур ҳолат унга маълум бўлган пайтдан бошлаб бир иш куни ичида бу ҳақда бевосита раҳбарига реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви сифатида тавсифланадиган ҳолатни батафсил баён этган ҳолда, мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда хабар бериши лозим;

ходимнинг бевосита раҳбари ходимдан ёзма хабарни олган пайтдан бошлаб уч иш куни ичида манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотни кўриб чиқиши ва манфаатлар тўқнашувини баратараф қилиш бўйича таклиф билан хабарномани Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш марказига рўйхатдан ўтказиш ҳамда тегишли чораларни кўриш учун тақдим этиши шарт;

Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш маркази ходимнинг бевосита раҳбари билан ҳамкорликда манфаатлар тўқнашувини баратараф этиш чораларини кўради ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса қилиниб, Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти ва Жамият раҳбарига ёзма шаклда тегишли маълумот киритилади.

8-боб. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари


25. Жамият манфаатларининг бузилишини олдини олиш мақсадида реал манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари имкон қадар тезроқ амалга оширилиши лозим.

26. Қонуннинг 21 моддасига мувофиқ Жамиятда Манфаатлар тўқнашуви ҳолларини тартибга солиш учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги чоралардан бири кўрилиши керак:

ўзига нисбатан манфаатлар тўқнашуви юзага келган раҳбарнинг бевосита бўйсунувидаги давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимини манфаатлар тўқнашуви юзага келмайдиган бошқа раҳбарнинг бўйсунувида ўтказиш;

Жамият ходимини манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган коллегиял орган таркибидан ихтиёрий равишда ўзини ўзи рад этиши орқали ёки мажбуран четлаштириш;

Жамият ходимининг лавозим мажбуриятлари ёки хизмат ваколатлари доирасини қайта кўриб чиқиш;

 UZBEKINVEST <small>sug'urta kompaniyasi</small> GK 40	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш Низоми	RD-GK 40-03
		19 дан 11 варақ .10.2024й.

Жамият ходимининг давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ахборотидан ва ҳужжатларидан фойдаланишига чекловлар белгилаш;

Жамият ходимининг яқка тартибда қарорлар қабул қилишга доир ваколатларини қонунчиликка мувофиқ амалга ошириши устидан коллегиял назоратни таъминлаш;

Жамият ходимига ўзидаги шахсий манфаатдорликни қонунчиликка мувофиқ бартараф этиши тўғрисида таклифлар тақдим этиш;

ходим томонидан ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган Жамият манфаатларига зид бўлган шахсий манфаатдорлигидан воз кечиши;

Жамият ходимининг шахсий манфаатдорлигини бартараф этиш чораларини кўриш мумкин бўлмаган тақдирда, ходимнинг розилиги асосида уни аввалги лавозимига тенг бошқа лавозимга ўтказиш ёки меҳнат шартномасини (контрактни) умумий асосларда бекор қилиш..

27. Ҳар бир вазиятда, манфаатлар тўқнашуви предметини белгилаб берадиган фактдан келиб чиқиб, ходим билан Жамиятнинг келишувига кўра уни ҳал қилишнинг бошқа чоралари қўлланилиши мумкин. Кўриладиган барча чоралар қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши ва мазкур Низомда белгиланган тамойилларни амалга оширишни таъминлаши лозим.

28. Жамиятда Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш маркази ва ходимнинг бевосита раҳбари томонидан манфаатлар тўқнашувини баратараф этиш чоралари ва қабул қилинган қарорлар Одоб-ахлоқ комиссиясининг энг яқиндаги йиғилишида кўриб чиқилиб, бу ҳақда мажлис баённомасида акс эттирилади.

29. Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти ходим эътирозига ёки раҳбар топшириғи, шунингдек ўз ташаббуси билан Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш маркази ва ходимнинг бевосита раҳбари, шунингдек Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг ҳолиселиги ва мақбуллигини текшириш ҳуқуқига эга.

30. Жамиятнинг одоб-ахлоқ комиссияси мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашувлари тўғрисида ҳар ярим йилда ҳулоса қабул қилади ҳамда уларни тартибга солиш бўйича кўрилган чораларнинг етарлилигини (тўғрилигини) кўриб чиқади.

Жамиятнинг одоб-ахлоқ комиссияси аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолларини Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти билан биргаликда таҳлил қилади ва давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходимлари ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради.

9-боб. Ахборотнинг конфиденциаллиги

31. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда қатнашадиган ходимлар олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши ва ушбу маълумотлардан фақат кўриб чиқиш, ҳисобга олиш ва ҳал этиш чораларини кўриш ҳамда ушбу жараёни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар томонидан фойдаланилишини таъминлаши лозим.

32. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан Жамиятнинг ходимларида манфаатлар тўқнашуви факти ёки гумони ҳақидаги хабар билан Жамиятга мурожаат қилинганда уни кўриб

 UZBEKINVEST <small>suғurta kompaniyasi</small>	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш Низоми	RD-GK 40-03
		19 дан 12 варақ .10.2024й.
GK 40		

чиқиш Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти томонидан Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда мазкур Низом ва бошқа ички ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

10-боб. Реестрни юритиш ва сақлашга қўйиладиган талаблар

33. Жамиятнинг Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш маркази манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобини мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда Реестрга киритиш йўли билан ўз вақтида ва тўлиқ юритишлари шарт. Бунда, ҳудудий ва таркибий бўлинмаларнинг Реестридаги маълумотлар марказий аппарат Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш маркази томонидан Жамиятнинг умумий Реестрига бирлаштириб борилади. Умумий Реестр Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаментига ҳар чоракда тақдим этиб борилади.

34. Маълумот Реестрга қуйидаги ҳолларда киритилиши керак:

Жамиятга ишга қабул қилишда – номзод манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақида аризада манфаатлар тўқнашувининг мавжудлигини кўрсатган бўлса ва Одоб-аҳлоқ комиссияси манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши мумкинлиги фактини тасдиқласа;

лавозимга тайинлаш/ротация қилиш вақтида манфаатлар тўқнашувини ошқор қилишда – Жамият раҳбари томонидан буйруқ имзоланган пайтдан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан;

манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишига кўра – Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш маркази ва ходимнинг бевосита раҳбари томонидан чора кўрилган тақдирда;

Жамият ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотлар ҳар йили декларация қилинганда – мазкур Низомнинг 16-бандига мувофиқ;

манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ҳақида алоқа каналларидан олинган маълумот тасдиқланганда;


ички хизмат текширувлари ўтказилганда ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва талабларига риоя қилиниши мониторинг қилинганда ҳамда Жамият раҳбари томонидан Реестрга маълумот киритиш ҳақида бевосита кўрсатма бўлганида.

35. Ходимларнинг манфаатлар тўқнашувига тегишли бўлган ариза ва хабарномалари ҳамда бошқа маълумотлар Суғурта соҳасида ходимлар салоҳиятини ривожлантириш марказида сақланади.

11-боб. Яқуний қондалар

36. Эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, барча ходимлар, ушбу Низомнинг талабларига риоя қилиш, шунингдек, ўз манфаатларининг тўқнашуви тўғрисида Жамиятга ўз вақтида ва тўлиқ маълумот бериш бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

37. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

 UZBEKINVEST <small>sug'urta kompaniyasi</small> GK 40	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш Низоми	RD-GK 40-03
		19 дан 13 варақ .10.2024й.

“Жамиятда манфаатлар тўқнашувини
бошқариш тўғрисида”ги Низомга
1-илова

Ходимнинг эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияси

Мен, _____ ушбу

(фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг лавозими)

(Йиллик/ишга қабул қилинаётганда/бошқа ишга ўтказилаётганда)


тўлдираётган декларацияда ўзим ва менга алоқадор шахсларнинг эҳтимолий манфаатлар тўқнашувига оид қуйидаги маълумотларни ошкор қиламан:

1. Ходимга оид маълумотлар

1.	Идентификация ID-кارتаси ёки биометрик паспорт маълумотлари (серияси, рақами, берилган санаси)	
2.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) (мавжуд бўлган тақдирда)	

2. Алоқадор шахсга оид маълумотлар*

Ходимнинг яқин қариндошига оид маълумотлар		
1.	Фамилия, исми, отасининг исми	
2.	Идентификация ID-картаси ёки биометрик паспорт маълумотлари (серияси, рақами, берилган санаси)	
3.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) (мавжуд бўлган тақдирда)	
Ходим қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгаллик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахсга оид маълумотлар		
1.	Юридик шахснинг номи	
2.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	

 UZBEKINVEST <small>sug'urta kompaniyasi</small> GK 40	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш Низоми	RD-GK 40-03
		19 дан 14 варақ .10.2024й.

Ходимнинг яқин қариндоши қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахсга оид маълумотлар

1.	Юридик шахснинг номи	
2.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	

* Ходим унга алоқадор шахсларнинг (ходимнинг яқин қариндошлари ёки ходимнинг яқин қариндошлари устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қиладиган ёхуд бошқарув органи раҳбари ёки аъзоси бўлган юридик шахс) идентификация ID-картаси (биометрик паспорти), ЖШШИР, СТИР бўйича маълумотларни олиш имкониятига эга бўлмаса, у томонидан тегишли позицияларда «маълумотга эга эмасман» деб изоҳ кўрсатилиши мумкин.

3. Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумот _____

4. Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияда кўрсатилиши керак бўлган маълумотлардан ташқари қўшимча маълумотлар (агар мавжуд бўлса)

(ходим томонидан манфаатлар тўқнашуви вазияти сифатида баҳоланадиган бошқа ҳолатлар кўрсатилади)

Ходимнинг лавозими


*Шахсий имзо ёки электрон
рақамли имзоси*

(Ходимнинг Ф.И.О.)

Тўлдирилган сана

20__ йил «__» _____

Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви аниқланган ҳолатлар Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрида рўйхатга олинган санаси ва рақами: 20__ йил «__» «_____»; реестр рақами _____ - сон.

 UZBEKINVEST <small>sug'urtza kompaniyasi</small> GK 40	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш Низоми	RD-GK 40-03
		19 дан 15 варақ .10.2024й.

“Жамиятда манфаатлар
тўқнашувини бошқариш
тўғрисида”ги Низомга
низомга 2-илова

**Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобга олиш
РЕЕСТРИ**

T/p	Маълумот олинган сана	Мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини реестрга	Жамият таркибий тузилмаси ва ходимининг лавозими	Манфаатлар тўқнашувининг предмети	Манфаатлар тўқнашувининг тури (ҳақиқий ёки потенциал)	Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича чоралар	Одоб-ахлоқ комиссия йиғилиш баённомаси рақами ва санаси, Кадрлар бўлими томонидан қабул қилинган	Белгиланган чораларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш бўйича масъул шахс	Махсус бўлинма ходимининг ўз кўли билан қўйилган имзоси ёки электрон рақамли
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1									
2									
3									
::									

 UZBEKINVEST <small>sug'urta kompaniyasi</small> GK 40	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш Низоми	RD-GK 40-03
		19 дан 16 варақ .10.2024й.

“Жамиятда манфаатлар
тўқнашувини бошқариш
тўғрисида”ги Низомга
низомга 3-илова

_____ га

(бевосита раҳбарнинг лавозими ва Ф.И.О.)

_____ дан

(ходимнинг лавозими ва Ф.И.О.)

Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ХАБАРНОМА


Мен ушбу хабарномада ўзим ва менга алоқадор шахсларнинг мавжуд манфаатлар тўқнашувига оид куйидаги маълумотлар тўғрисида хабар бераман:

1. Ходимга оид маълумотлар

1.	Идентификация ID-картаси ёки биометрик паспорт маълумотлари (серияси, рақами, берилган санаси)	
2.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) (мавжуд бўлган тақдирда)	

2. Алоқадор шахсларга оид маълумотлар*

Ходимнинг яқин қариндошига оид маълумотлар		
1.	Фамилия, исми, отасининг исми	
2.	Идентификация ID-картаси ёки биометрик паспорт маълумотлари (серияси, рақами, берилган санаси)	
3.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) (мавжуд бўлган тақдирда)	

 UZBEKINVEST <small>sug'urta kompaniyasi</small> GK 40	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш Низоми	RD-GK 40-03
		19 дан 17 варақ .10.2024й.

Ходим қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгаллик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахсга оид маълумотлар

1.	Юридик шахснинг номи	
2.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	

Ходимнинг яқин қариндоши қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгаллик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахсга оид маълумотлар

1.	Юридик шахснинг номи	
2.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	

* Ходим унга алоқадор шахсларнинг (ходимнинг яқин қариндошлари ёки ходимнинг яқин қариндошлари устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгаллик қиладиган ёхуд бошқарув органи раҳбари ёки аъзоси бўлган юридик шахс) идентификация ID-картаси (биометрик паспорти), ЖШШИР, СТИР бўйича маълумотларни олиш имкониятига эга бўлмаса, у томонидан тегишли позицияларда «маълумотга эга эмасман» деб изох кўрсатилиши мумкин.

3. Мавжуд манфаатлар тўқнашуви бўйича маълумот

1.	Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумот	
----	--	--

Ходимнинг лавозими

*Шахсий имзо ёки электрон
рақамли имзоси*

(Ходимнинг Ф.И.О.)

Тўлдирилган сана

20__ йил «__» _____

Ходимнинг бевосита раҳбари

Мавжуд манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича кўрилган чора: _____

Ходимнинг бевосита раҳбарининг
лавозими


*Шахсий имзо ёки электрон
рақамли имзоси*

(Ходимнинг Ф.И.О.)

Тўлдирилган сана

20__ йил «__» _____

Мавжуд манфаатлар тўқнашуви аниқланган ҳолатлар Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрида рўйхатга олинган санаси ва тартиб рақами: 20__ йил «__» «_____»; _____-сон.

 UZBEKINVEST <small>sug'urta kompaniyasi</small> GK 40	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш Низоми	RD-GK 40-03
		19 дан 18 варақ .10.2024й.

“Жамиятда манфаатлар
тўқнашувини бошқариш
тўғрисида”ги Низомга
низомга 3-илова

**Aloqador shaxslarning ehtimoliy manfaatlar to‘qnashuvi to‘g‘risidagi deklaratsiyaning
NAMUNAVIY SHAKLI**

Men _____, ushbu deklaratsiyada aloqador shaxs
(familiyasi, ismi va sharifi)

sifatida o‘zim va xodim (ishga kirayotgan nomzodning) ehtimoliy manfaatlar to‘qnashuviga oid quyidagi ma’lumotlarni ma’lum qilaman:

1.	Xodimga aloqador jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami (JSHSHIR)	
3.	Xodimga aloqador yuridik shaxsning nomi	
4.	Xodimga aloqador soliq to‘lovchining identifikatsiya raqami (STIR)	
5.	Xodimning F.I.O. va lavozimi	
6.	Jismoniy shaxsning xodim bilan qarindoshligi to‘g‘risidagi ma’lumotlar <i>(ota-onalar, aka-ukalar, opa-singillar, o‘g‘illar, qizlar, er-xotinlar, shuningdek er-xotinlarning ota-onalari, aka-ukalari, opa-singillari va farzandlari)</i>	
7.	Yuridik shaxsning xodim bilan aloqadorligi to‘g‘risidagi ma’lumotlar <i>(xodim va uning yaqin qarindoshlari qaysi yuridik shaxsning ustav fondi (ustav kapitali) aksiyalariga yoki ulushlariga egalik qilsa yoxud unda boshqaruv organining rahbari yoki a‘zosi bo‘lsa, o‘sha yuridik shaxs)</i>	


Aloqador shaxs

*Shaxsiy imzo yoki elektron raqamli
imzosi*

(F.I.O.)

To‘ldirilgan sana

20__ yil “__” _____

 UZBEKINVEST <small>sug'urta kompaniyasi</small>	“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш Низоми	RD-GK 40-03
GK 40		19 дан 19 варақ .10.2024й.

Ehtimoliy manfaatlar to'qnashuvi aniqlangan holatlar Manfaatlar to'qnashuvini hisobga olish reyestrída ro'yxatga olingan sanasi va raqami: 20 __ yil “__” “_____”; reyestr raqami _____-son.